



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

http://xs.uz

E-mail: info@xs.uz

2012 йил 19 октябрь, № 206 (5626)

Жума

Ишонч ёрлиқлари топширилди

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовга 18 октябрь куни Оксаройда Германия Федератив Республикаси, Ўмон Султонлиги, Чехия Республикаси, Эрон Ислам Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқуллода ва мухтор элчилари этиб тайинланган — Аристид Эмиль Фенстер, Муҳаммад бин Саид бин Муҳаммад ал-Лаватий, Гинэк Пейха, Али Мардоний Фард ишонч ёрлиқларини топширди.

Давлатимиз раҳбари элчиларни кутлар экан, Ўзбекистондаги дипломатик ваколатхона раҳбари лавозими ўзаро муносабатларни мустаҳкамлаш, тузилган шартнома ва битимларни амалга ошириш йўлидаги масъулиятни ва шарафли вазифа эканини таъкидлади, дипломатларга муҳим миссиясини бажаришда муваффақият тилади.

Мамлакатимизда Германия билан муносабатларга хорижий давлатлар билан муваффақиятли ва ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг ёрқин намуналаридан бири сифатида қаралади. Икки томон ҳам сиёсий-дипломатик, иқтисодий, сармовий, маданий-гуманитар ва бошқа йўналишларда ҳамкорликни янада ривожлантиришдан манфаатдор.

Ўзбекистонда Германиянинг "МАН", "Клас", "Кнауф" каби ҳамда ўз соҳаси бўйича дунёда етакчилик қиладиган бошқа компаниялар билан ҳамкорликда қўшма корхоналар тузилган ва ишлаб чиқариш йўлига қўйилган. Уларнинг сифатли ва замонавий маҳсулотлари ҳам ички бозорда, ҳам қўшни мамлакатларда харидордир.

Сўбат чоғида ГФР элчиси Германия ва Ўзбекистон кўп қиррали алоқаларни кенгайтириш учун катта имкониятларга эга эканини ва бу борада бор куч-гайратини сарфлашга тайёрлигини таъкидлади.

Ўзбекистон билан Ўмон ўртасидаги ҳозирги дўстона муносабатлар тарихий алоқаларнинг, халқларимиз маданий ва маънавий муштараклигининг мустаҳкам пойдевори асосига қурилган.

Бугунги кунда аксарият халқро ва минтақавий муаммолар бўйича томонларнинг позициялари ўхшаш ва яқин. Ўзбекистон ва Ўмон БМТ, Ислам ҳамкорлиги ташкилоти ва бошқа тузилмалар доирасида ҳамкорликни фаоллаштиришмоқда.

Учрашувда савдо-сотиқ, иқтисодий, сармов, транспорт коммуникациялари соҳаларида ҳамкорликни ривожлантириш бўйича Ўзбекистон — Ўмон алоқаларининг устувор йўналишларидаги эҳтишам, томонлар айна шу соҳаларда катта салоҳиятга эгалиги таъкидланди. Шу билан бирга, маданий-гуманитар алоқаларни, жумладан, сайёҳлик соҳасидаги мавжуд салоҳиятни рўёбга чи-

қаришни рағбатлантириш муҳим аҳамиятга эга.

Ўмон элчиси ислом цивилизациясининг шаклланишида тарихий аҳамият касб этган, бугунги Марказий Осиё минтақасида хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашда асосий ўрин тутаётган Ўзбекистонда ўз мамлакатининг вакили бўлиб фаолият юритишни ўзи учун катта шараф, деб билишини қайд этди.

Чехия дипломатик ваколатхонаси раҳбари билан сўбат чоғида Ўзбекистон Президентининг 1997 йил январь ойида Чехияга расмий ташрифи давомида асос солинган ҳамкорликни ривожлантиришга икки томон ҳам муҳим аҳамият бериши таъкидланди.

Бугунги кунда турли соҳаларда ҳамкорлик бўйича салмоқли тажриба тўпланган. Ўзбекистон — Чехия алоқаларини, аввало, савдо-иқтисодий ва сармовий ҳамкорликни икки ва кўп томонлама асосда ривожлантириш учун зарур шартномавий-ҳуқуқий асослар яратилган.

Гинэк Пейха ўзаро мулоқотларни янада ривожлантиришни, ҳамкорликнинг амалий жиҳатларини кенгайтиришни ўзининг асосий вазифаси, деб билишини қайд этди.

Ўзбекистон билан Эрон ўртасидаги давлатлараро муносабатлар нафақат тарихий алоқалар, балки ҳамкорликнинг замонавий тажрибасига ҳам асосланади.

Дипломатия муносабатлари ўрнатилгандан кейин ўтган 20 йил мобайнида Ўзбекистон — Эрон ҳамкорлиги томонлари қизқирган барча соҳаларда изчил ривожланиб келмоқда.

Томонлар савдо-сотиқ, иқтисодий, транспорт коммуникациялари соҳаларида ҳамкорликни ривожлантириш бўйича Ўзбекистон — Эрон — Ўмон-Қатар транспорт йўлига тўғрисидаги битимнинг амалиётга таъбиқ этилиши икки томонлама асосда ва минтақалараро микёсда ҳамкорликни кенгайтиришга хизмат қиладиган, деб ҳисоблайди.

Эрон элчиси Ўзбекистондаги миссиясининг асосий мақсади икки томонлама муносабатларни янада мустаҳкамлаш ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтиришдан иборат эканини таъкидлади.

(Ў.А.)



Президентимиз ташаббуси билан Тошкентда саккизинчи бор ўтказилган Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркаси, кутилганидек, томонлар учун бирдек манфаатли келишув ва битимларга ўта бой бўлди. Икки кун давом этган "Ўзбек пахтаси ва тўқимачилиги: ютуқлар ва истиқболлар" мавзусидаги форумда республика ишлаб чиқарувчилари дунёнинг қарий 40 давлатидан ташриф буюрган компаниялар билан узок муддатли ҳамкорлик алоқаларини боғлагани, яқунда салкам 670 минг тонна ўзбек пахта толаси ҳамда умумий қиймати 600 миллион АҚШ долларидан зиёд тўқимачилик маҳсулотлари сотиб олиш бўйича шартномалар имзолангани бунинг яққол далилидир.



Самарали музокаралар, манфаатли шартномалар

VIII Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркасида ишлаб чиқарувчиларимиз ва хорижий харидорлар ўртасида иқтисодий алоқаларни янада мустаҳкамлашга хизмат қиладиган битимлар имзоланди.



Ярмарка иштирокчилари — чет эллик мутахассисларнинг эътирофи этишича, Ўзбекистон жаҳонда пахтачилик ва тўқимачилик тармоғи жадал ривожланиётган мамлакатлардан бири сифатида тан олинган. Шу боис хорижий инвесторлар ўз бизнесини юртимиз билан боғлашга, бу ерда этиштирилган юқори сифатли пахта толаси ва табиий матолардан тайёрланган кийим-кечакларни тўғридан-тўғри сотиб олишга интилади. Аънанавий тус олган Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркаси ана шу эзгу мақсадлар

рўёбга хизмат қиляётгани, айникса, қувонарлидир. Жаҳон пахта бозорининг Тошкент форуми кундалиги ранг-баранглиги билан дунё тўқимачилик саноатидаги етакчи компанияларнинг 1000 нафарга яқин трейдер ва вакилларида катта таассурот қолдирди, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз. Сабоби, улар биржа савдолари билан чекланиб қолмасдан, балки доллар мавзулардаги мажлис ва давра сўхбатларининг иштирокчиси сифатида жаҳон пахта бозоридидаги бугунги вазиятни муҳофиза қилиш, энг асосийси,

иқтисодий тармоқнинг муҳим тармоқларида рўй бераётган янгиланиш билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлдилар. Дарҳақиқат, хорижий соҳа мутахассислари ва трейдерлар VIII Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркаси доирасида пахта хом ашёсини бирламчи қайта ишлаш, толани харидорларга етказиб бериш хизмати, шунингдек, калава ип ва тўқимачилик маҳсулотлари тайёрлаш жараёнлари билан бевосита хойларга қиқиб танишдилар. Мехмонлар шу тариқа республикамизда хом ашё етишти-

VIII Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркасида қарий

670

МИНГ ТОННА

Ўзбек пахта толасини сотиб олиш бўйича шартномалар тузилди.

риш, уни сифатли қайта ишлаш, маҳсулотни буюртмачиларга кафолатли равишда етказиб бериш бўйича мустаҳкам тизим яратилганига яна бир қарра амин бўлганликларини билдирдилар.

— Ўзбек толасининг сифати тобора яхшиланиб, жаҳон бозо-

(Давоми 2-бетда).



«Ўзбекистон пахтачилик тармоғи бўйича жаҳондаги энг етакчилардан биридир»

VIII Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркаси дунё пахта саноатидаги йирик воқеалардан бирига айланди. Унинг ишида жаҳоннинг қарий 40 мамлакатидан нуфузли компаниялар, бизнес тузилмаларининг 1000 нафарга яқин вакиллари иштирок этгани бунинг яққол исботидир.

Мухбиримиз уларнинг айримлари билан сўхбатлашди.

Сўз — ярмарка иштирокчиларига

Кристиан ШИНДЛЕР, Халқаро тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари федерацияси бosh директори (Швейцария):

— Глобаллашув шариоитида ўзининг муваффақияти ва чуқур ўйланган ривожланиш стратегиясига эга мамлакатга иқтисодий муваффақиятларга эришади. Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов томонидан ишлаб чиқилиб, ҳаётга таъбиқ этилган тараққиётнинг "Ўзбек модели" ана шундай эътирофга лойиқ пухта дастурдир. Зеро, юртингиз шу асосда хар қандай, ҳаттоки, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози даврида ҳам юқори ўсиш суръатларига эришиб, истиқлолнинг ёруғ ва шарафли йўлида шахдам қадам ташламоқда. Охириги йилларда республикада ялли ички маҳсулот ўсиши 8 фоиздан тушмаётгани, халқнинг турмуш фаровонлиги ошиб, тинчлик ва ижтимоий-иқтисодий барқарорлик қарор тоған қадр-қиммати бундан шундан далолат беради.

Албатта, мазкур ижобий натижаларни қўлга киритишда барча соҳалар қаторида қишлоқ хўжалиги тармоқлари, шу жумладан, пахтачиликни замон талаблари асосида ривожлантириш, жабҳага энг сўнгги инновацион лойиҳаларни жорий этишга алоҳида эътибор қаратилётгани муҳим омил бўлмоқ-

да. Мутахассис сифатида шуни ишонч билан айтмакчи, ўзбек пахта толасининг халқро микёсдаги қадр-қиммати бундан кейин ҳам юксалаверади.

Мажид ДАРЁДИЛ, "Daner Kav Pishro" компанияси бosh қарорчи директори (Эрон):

— Ўзбекистон — ижтимоий-иқтисодий соҳаларда жадал тараққиёт топаётган мамлакат, гўзал ва меҳмондўст юрт. Бундиёнингизга хар гал келганимизда амалга оширилаётган ўзгаришлар, бунёдкорлик ишлари мисолида қузатиб бораман.

Шуларга уйғун тарзда Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркаси мамлакатнинг салоҳиятининг ўзига хос намоишидир. Унда қатнашаётган давлатлар сони йилдан-йилга кўпайиб бораётгани нафақат ўзбек пахта толасига қизиқиш катталиги, балки юртингизда қарор тоған қадр-қиммати бундан шундан далолат беради.

(Давоми 2-бетда).

СТРАТЕГИК ҲАМКОРЛИК МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Тошкентдаги Халқаро ҳамкорлик марказида Ўзбекистон билан Жанубий Кореянинг ҳамкорлигига бағишланган илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Мамлакатларимиз ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилганининг 20 йиллиги муносабати билан Корея Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси ва Кореянинг Инха университети томонидан Ўзбекистон Республикаси

Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур анжуманда икки мамлакатнинг илмий тадқиқот ва таълим муассасалари мутахассислари, ишбилармон доира-

лар ҳамда давлат тузилмалари вакиллари қатнашди. Анжуман иштирокчилари Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги алоқалар барча соҳаларда изчил ривожланиб бораётганини, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қиляётганини алоҳида таъкидладилар.

(Давоми 2-бетда).

ДАЛА НЕЪМАТЛАРИ:

ҚАЙТА ИШЛАШ ҲАЖМИ ОШМОҚДА

2012 йилнинг дастлабки олти ойида мамлакатимизда етиштирилган мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш ҳажми

11,7

фоиз ошди.

Замонавий минитехнологиялар билан жиҳозланган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ташкил қилиш, фермер хўжалиқларининг қайта ишлаш корхоналарини бунёд этиш бўйича лойиҳаларини рағбатлантириш борасида қўрилган тизимли чора-тадбирлар туфайли ишлаб чиқариш қуввати ортиб, ана шундай ижобий натижа қўлга киритилди.

Бир рақам шарҳи

(Давоми 2-бетда).

(Давоми 2-бетда).

ХАЛҚ БАНКИ

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар туфайли иқтисодийнинг барча жабҳаларида улкан муваффақиятларга эришилмоқда. Маълумки, бундай барқарор ўсиш суръатларини таъминлашда республика-миздаги молия-банк тизимининг муносиб ҳиссаси бор. Халқ банки Наманган вилояти

Ишончли ва намунали хизмат

Поп туманидаги "Файз нон савдо" масъулияти чекланган жамияти — молиявий қўламли баҳраманд бўлган корхоналардан бири. Мазкур жамоа банкдан олинган 700 миллион сўмлик кредит эвазига энг замонавий ускуналарни сотиб олди. Натيجида қисқа даврда бир неча турдаги нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилиб, эл дастурхонига тортиқ этила бошланди. Ўз навбатида, 20 дан зиёд янги иш ўринлари яратилди.

Чортоқ туманидаги "Чарх-палак шабодаси" масъулияти чекланган жамияти ҳам банкдан 160 миллион сўмлик кредит олиб, ўз фаолиятини кенгайтирди ва яна 15 кишини иш билан таъминлашга эришди.

Халқ банки Наманган вилояти филиали билан ҳамкорлик қилиб асло кам бўлмаган яна бир жамоа Наманган шаҳридаги "Асил келажак курилиш сервис" МЧЖдир. Ушбу жамият банк томонидан берилган 100 миллион сўмлик кредит эвазига энг замонавий компьютер техникаларини сотиб олиб, аҳолига кенг қўламли хизматлар кўрсатишни йўлга қўйди. Эътиборлиси, ушбу соҳа бўйича олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими масканларини тамомлашда ўнга яқин ёш ишга жалб қилинди.



Банк филиали томонидан давлатимиз раҳбарининг "Маҳаллий ноозик-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижросини сўзсиз бажариши юзасидан муайян ишлар амалга оширилмоқда. 2012 йилнинг 1 сентябрга қадар ушбу ҳужжат асосида 5 миллиард 700 миллион сўмга яқин кредит ажратилдики, бу ўз навбатида, импорт ўринни босувчи маҳсулотлар ҳажмини кўпайтириш, ҳудудда тадбиркорликни янада кенгайтиришда айна муқаддас бўлди.

ни бутлаб олишди.

Шу билан бирга, тадбиркорликка қизиқувчи касб-хунар коллежларини битираётган ёшларни рағбатлантиришга устувор аҳамият қаратилмоқда. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида банкнинг вилоят филиали касб-хунар коллежлари билан ҳамкорликда давра суҳбатлари, учрашувлар ташкил этишни яхши аёнанага айлантирди. Уларда банк мутахассислари томонидан ёш авлодга мамлакатимизда тадбиркорлик равангага қаратилаётган юксак эътибор, бу борадаги қўлайликлар, имтиёзлар ҳақида атрофлича маълумот берилиб, саволларга батафсил жавоб қайтарилмоқда. Тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш, бу борадаги ишларни ривожлантиришга қаратилган тановларда иқтидорли ёшлар саралаб олиниб, уларга ўз фаолиятини бошлаш учун кредит маблағлари ажратилгани қувонarliдир.

— Ёшлигимдан тикиш-бичишга қизиқаман, — дейди

"Мустаҳкам оила йили" Давлат дастури доирасида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, ёш оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилаётган ишлар ҳам диққатга сазовор. Чунки, молия муассасасининг шаҳар-туман филиаллари, ми-

филиали фаолияти бунга ёрқин мисол бўла олади. Боиси ушбу молия муассасаси "Мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун" шиори остида аҳолига сифатли хизмат кўрсатаётти. Хусусан, филиал томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, соҳадаги инвестициявий лойиҳаларни молиялаштириш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Жорий йилнинг 1 сентябрга қадар ушбу мақсадларга 13 миллиард 15 миллион сўмлик кредитлар йўналтирилгани бунинг исботидир.

урлардан бири Дилноза Мадаминаова. — Халқ банки Наманган вилояти филиалининг ёрдами ана шу орзуларим ўрнатиб, олтига яқин касаначилик билан шуғулланувчи хусусий тадбиркорларга молиявий қўламли берди. Қолаверса, вилоятдаги ёш оилаларга жорий йилда 2 миллиард 411 миллион сўмлик истеъмол ва ипотека кредитлари ажратилди. Пиротвардада улар оилавий турмуш шароитини яхшилаб, рўзгори-

босишига тўғри келарди-да. Одамларнинг узогини яқин, оғирини енгил қилиш баробарида, оилам бюджетига ҳам ўз хиссамни қўшаётганимдан жуда бахтиёрман. Буларнинг барчаси мамлакатимизда биз, ёшларнинг жамиятда муносиб ўрнини топишга қаратилаётган юксак эътибор натижасидир. Ўз навбатида, банк ходимларига ҳам миннатдорчилик билдираман.

Табииyki, аҳоли ва юридик шахсларнинг вақтинча бўш пул маблағларини депозитларга жалб этиш, энг аввало, мижоз учун фойдалидир. Шу боис мазкур молия муассасаси ҳам омонатчилар учун манфаатли бўлган миллий ва хорижий валютадаги бир қатор жозибдор ҳамда юқори даромадли омонат турларини таклиф этмоқда. Президентимизнинг 2008 йил 20 февралдаги "Тижорат банкларида аҳоли омонатлари шартларини либераллаштириш ҳамда қафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони бунда дастуриламал бўлмоқда.

Бинобарин, вилоят филиалида банк омонатларига маблағ қўйиш ҳажми йилдан-йилга кўпайиб бораёттир. Бу эса аҳолининг бўш пул маблағларини узоқ муддатли депозитларга қўйишга бўлган ишонч мустаҳкамланаётганидан далолатларидир. Айниқса, мижозлар "Даромад-2", "Наврўз ифори", "Мустаҳкам оила", "Коммунал хизмат", "Болажонга мадад", "Оила манфаати" каби янги омонат турларидан кенг фойдаланаяпти.

Юқоридики каби ишончли, сифатли ва намунали хизматлар Халқ банкининг Наманган вилояти филиалига қарашли 12 та ҳудудий филиал, 20 та минибанк, 92 та шохобча, 53 та махсус касса томонидан кўрсатиб келинмоқда. Бу эса юртдошларимизнинг турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилаёттир.

Мухтасар айтганда, Халқ банки Наманган вилояти филиалининг ақил жамоаси тадбиркорларга молиявий таянч бўлиш, ишбилармонлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш, янги иш ўринларини яратиш асосида вилоятни ижтимоий-иқтисодий юксалтиришга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Банк матбуот хизмати.

«ҚУРИЛИШ-ЛИЗИНГ» ЛИЗИНГ ТАШКИЛОТИ

Барча мулк шаклидаги қурилиш ташкилотлари учун қурилиш техникаси махсус транспорт қурилиш асбоблари кичик механизация воситалари технологик жиҳозлар

ЛИЗИНГ операцияларини амалга ошириш орқали ўз маблағингизни сезиларли равишда тежаш имкониятига эга бўласиз.

Лизинг шартлари ҳар бир мижоз учун алоҳида тарзда белгиланади.

ЛИЗИНГ 1 йилдан 5 йилгача

2013 йилга ҚУРИЛИШ ТЕХНИКАСИНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ УЧУН БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

- МАВЖУД ТЕХНИК АНЖОМЛАР:
- ТРУБА ЁТКИЗГИЧ «PipeLineMan PMGY-70»;
 - ЮК ОРТГИЧ ЭКСКАВАТОР «CHANGLIN WZ 30-25»;
 - 25 тонна ЮК КЎТАРИШ ҚЎВВАТИГА ЭГА БЎЛГАН АВТОСАМОСВАЛ;
 - ЦЕМЕНТ ТАШИГИЧЛАР 45 куб. м.;
 - ФРОНТАЛ ЮК ОРТГИЧ «CHANGLIN ZL50H».
- ШУНИНГДЕК, КИЧИК МЕХАНИЗАЦИЯ ВОСИТАЛАРИ ҲАМ МАВЖУД:
- БЕТОН ҚОРУВЧИ ҚУРИЛМА БУ-0,5 М;
 - РОССИЯДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН ТУРЛИ МОДЕЛДАГИ МАЙДАЛОВЧИ БОЛТАЛАР;
 - ПАСАЙТИРУВЧИ ТРАНСФОРМАТОРЛАР, ЧУҚУРЛИК ВИБРАТОРЛАРИ, БЕТОН АРАЛАШТИРГИЧЛАР.
- КЕЛИШИ КУТИЛАЁТГАН УСКУНАЛАР:
- «HYUNDAI» РУСУМЛИ ҒИЛДИРАКЛИ ВА ЗАНЖИРЛИ ЭКСКАВАТОРЛАР.

Барча тўловлар миллий валюта — сўмда амалга оширилади.

Манзил: Тошкент ш., Олтин водий к., 29-«А» уй.

www.qurilish-lizing.uz

E-mail: kurilish2003@mail.ru

Маҳсулот сертификати олинган.

Тел.: (8-371) 250-73-14. Тел./ф.: (8-371) 250-51-04. Моб.: 189-95-41, (+99890) 958-61-61.

«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ

очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

«Capital Realtor Group» МЧЖ Фаргона филиалида 2012 йил 2 ноябрь куни соат 14.00 да бошланғич баҳоси босқичида-босқич охири бўлиб тартибда ўтказилаётган очиқ аукцион савдосига қўйидаги кўчмас мулк такроран, арзонлаштирилган нархда қўйилмоқда.

Суд департаментининг Фаргона вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан ЖИБ Фаргона вилояти судининг 2011 йил 30 декабрдаги 2-125-2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Олтириқ тумани, «Фруктовый-Рай» агрофирмасига қарашли, Олтириқ тумани, «Қапчугай» ҚФЙ, «Шарқ тонги» МФЙ, Қапчугай кўчасида жойлашган, умумий майдони 6 048,78 кв.м., фойдали майдони 3 577,98 кв.м. бўлган маъмурий бино ва иншоотлар.

Бошланғич баҳоси — 397 451 062 сўм.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда, яъни 2012 йил 31 октябрь куни соат 18.00 да тўхтатилади.

Ушбу очиқ аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини савдо ташкилотчиси — «CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖнинг «Капиталбанк» ОАТБ Мирзо Улуғбек филиалидаги қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

Аукцион солиби 5 (беш) банк қунида сотиб олган мулк қийматини тўлалигича тўлаши керак.

Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари билан боғлиқ барча масалалар юзасидан қўйидаги манзилда мурожаат қилиш мумкин:

Фаргона шаҳри, Бурхониддин Марғиёний кўчаси, 22-уй.

Телефонлар: (+99873) 224-69-96, (+99890) 231-38-59.

Лицензия: RR-0017.

«КО'СНМАС МУЛК САВДО ХИЗМАТИ» МЧЖ

Қашқадарё вилояти филиали

бошланғич баҳоси босқичида-босқич охири бўлиб тартибда ўтказилаётган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига Муборак тумани СИБ томонидан ЖИБ Қашқадарё вилояти судининг 2012 йил 24 июлдаги 2-44-12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Муборак шаҳри, 4-микрорайон, Занжирсарой шохўчасида жойлашган, умумий ер майдони 227,67 кв.м. бўлган супермаркет биноси қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 260 200 000 сўм.

Аукцион савдоси 2012 йил 20 ноябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Савдога қўйилган кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокчида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги муддати — 2012 йил 16 ноябрь куни соат 18.00.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «КО'СНМАС МУЛК САВДО ХИЗМАТИ» МЧЖ Қашқадарё вилояти филиалининг АТИБ «Ипотека-банк» и Қашқадарё филиалидаги қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000004920609009, МФО: 00190, СТИР: 207122519.

Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Қарши шаҳри, М. Абдуллаева кўчаси, 20-уй.

Телефон: (8-375) 225-44-58.

Расмий сайтимиз: www.1kms.uz

Лицензия: RR-0001.

«ТОШКЕНТ ТРУБА ЗАВОДИ» ҚК

ўзида ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотади.

(ҚҚС билан)

«Тошкент труба заводи» ҚК сизга шуни маълум қиладики, бизнинг корхона «API-5L» стандарти бўйича Ø325, Ø377, Ø426, Ø530, Ø630, Ø720, Ø820, Ø920, Ø1020, Ø1220, Ø1420, Ø1620 мм.гача, деворининг қалинлиги 6,0 — 24,0 мм. бўлган, электрпайвандланган, спирал чокли қувурлар ишлаб чиқаришни ўзлаштирди.

Кувурлар Х42 мустаҳкамлик гуруҳи бўйича ишлаб чиқарилади. Кувурлар 3845-65 ГОСТ бўйича гидравлик босимда синовдан ўтказилган.

Баҳоси — 1 тонна учун 9 950 000 сўм. Тўлов пул ўтказиш йўли билан.

2012 йилдаги эҳтиёжни йил чоракларига бўлиб беришингизни сўраймиз.

Телефонлар: (8-371) 241-31-72, 241-29-94. Факс: (8-371) 241-31-94.

«Uz CLAAS Service» МЧЖ

республикаимизнинг барча вилоятларида ишлаётган «CLAAS» русумли қишлоқ хўжалик техникаларига техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш учун юқори малакали инженер-механикларни ишга таклиф этади.

Номзодларга қўйиладиган талаблар:

1. Ёши 20 дан кам бўлмаган.
2. Маълумоти: техник йўналиш бўйича камида ўрта махсус.
3. Малакаси: ўз мутахассислиги бўйича камида 2 йил иш стажига эга бўлиши.
4. В тоифали хайдовчилик гувоҳномасига эга бўлиши.
5. Компьютерда ишлашни билиши.

Иш вақти чегараланмаган.

Телефонлар: (8-371) 230-93-77, (+998-98) 368-93-77.

СОТАМИЗ:

- ИСИТИШ ҚОЗОНЛАРИ* 15 кВтдан 2000 кВтгача
- БЛОКЛИ АВТОНОМ ҚОЗОНХОНАЛАР 100 кВтдан 5000 кВтгача
- НЕФТЬ, ГАЗ ва КИМЁ САНОАТИ УЧУН ЖИҲОЗЛАР*: турли ҳажмдаги, босимга чидамли идишлар, сепараторлар, тиндиргичлар, иссиқликни алмаштириб турувчи қурилма, шовқинни пасайтирадиган мослама, машъала устуни ва каллаг, технологик реакторлар.
- ЗАМОНАВИЙ ИССИҚХОНА МАЖМУАЛАРИ ТАЙЁР ҲОЛАТДА.

Буюртма бўйича. Маҳсулот сертификатланган.

Фоис тел.: (8-370) 715-01-48, 715-05-32. Моб.тел.: (+99890) 900-70-86, (+99894) 932-45-64, (+99891) 777-32-48.

e-mail: chks.uz@mail.ru www.chk-uz.com

«Микрокредитбанк»

ОЧИК АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ

персонализатор ва савдо карточкалари сотиб олиш бўйича танлов эълон қилади.

Таклифлар эълон чоп этилган санадан бошлаб, 10 кун давомида қабул қилинади.

Қўшимча маълумот учун манзил: 100096, Тошкент шаҳри, Лутфий кўчаси, 14-уй. Телефонлар: (+99871) 273-33-25, 150-56-58.

«ХАЛҚ СЎЗИ» ЭЪЛОНЛАР

ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача

232-11-15, 236-09-25.

E-mail: reklama@xs.uz

Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди жамоаси Конституциявий суднинг техник ходими Раҳматилла Уткурович Инагамовга турмуш ўртоғи Маҳбуба Хожияқаброва ИНАГАМОВАнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент давлат иқтисодий университети ректорати ва касаб уюшма қўмитаси Бухгалтерия ҳисоби кафедраси катта ўқитувчиси Эргаш Қурбонова падари бузруқворни Қурбонназар ҚУРБОНОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Бразилия — 2014

16 октябрь куни китамизнинг бир қатор мамлакатларида 2014 йили Бразилия давлати мезбонлик қиладиган футбол бўйича жаҳон чемпионати йўлланмаси учун саралаш бахслари бўлиб ўтди. Сафарда Қатар футболчиларига қарши бахс олиб борган Ўзбекистон миллий терма жамоаси 0:1 ҳисобида зафар кучанидан яхши хабардорсиз.

Мундиаль сари йўл

Қайд этиш жоизки, бу ўзбекистонлик чарм тўп усталарининг саралашнинг тўртинчи босқичидаги биринчи галабаси ҳисобланади. Бунгача вакилларимиз учта ўйин ўтказиб, бир учрашувда мағлубият аламини тотган, иккитасида дуранг натижа қайд этган эдилар. Шу боис Қатарда эришилган муваффақият юртимиздаги миллионлаб футбол ишқибозлари қалбига олам-олам қувонч бағишлади. Қолаверса, қўлга киритилган уч очко спортчиларимизнинг руҳиятига ижобий таъсир кўрсатиб, ўз кучларига

олиб борди. Техронда ўтказилган ўйинда 1:0 ҳисобида мезбонлар галаба қозонишди. Шу ўринда табиий савол туғилди. Хўш, биз учун улардан қайси бирининг ютгани маъқул эди? Кўпчилик Эрон футболчиларининг уч очкога эга бўлган

шувларда ушбу жамоалар бизни мағлуб эта олмади. Хатто, биридан уч очко ишлаб олди. Демак, Тошкентда олти очкодан умид қилсак бўлади. Биз учун ноябрь ойида сафарда эронликларга қарши кечадиган беллашувнинг аҳамияти жуда

Тўртинчи турдан сўнг "А" гуруҳидаги вазият куйидагича кўриниш олди:

Table with 7 columns: Жамоалар, ў, Ю, Д, М, Т, Н, О. Rows include 1. Жанубий Корея, 2. Эрон, 3. Ўзбекистон, 4. Ливан, 5. Қатар.

Гуруҳдаги терма жамоалар иштирокидаги қолган учрашувлар бўлиб ўтадиган саналар:

2012 йил, 14 ноябрь. Эрон — Ўзбекистон, Қатар — Ливан 2013 йил, 26 март. Ўзбекистон — Ливан, Жанубий Корея — Қатар 2013 йил, 11 июнь. Жанубий Корея — Ўзбекистон, Эрон — Ливан 2013 йил, 18 июнь. Ўзбекистон — Қатар, Жанубий Корея — Эрон.

Фазлиддин АБИЛОВ.

Юринг, умрингиз узаяди

Мутахассисларнинг фикрича, танани зўриқтирмайдиган, кўп куч талаб қилмайдиган, бироқ соғлиқ учун яхшигина наф келтирадиган жисмоний машғулот тури, бу — юриш.

Биласиз, қон босимингиз кўтарилиши ва организмда холестерин миқдорининг ортиши натижасида турли даражадаги юрак хасталиқлари келиб чиқади. Ана шундай дардга йўлиқ-

Тавсия

кузатишларда уларда юрак хасталиқлари пайдо бўлиш хавфи 50 фоизга камайгани маълум бўлган.

— Юриш учун эрта тонг ёки соат 11 гача бўлган вақтни танлаш мақсадга мувофиқ, — дейди шифокор Ёқуб Қўрбонов. — Юриш тезлиги ва вақтини эса кишининг жисмоний лаёқати ҳамда организм имкониятидан келиб чиқиб белгилаш зарур. Яъни ҳар бир машғулотдан сўнг ўзингизда энгиллик, тетиклик ва янги кучга эришилган ҳис қилиш керак. Ана шундангина кутилган натижага эришилади.

Жисмонан кучсиз, заиф кишилар учун оҳиста, аниқроғи, дақиқасига 40-60 қадам юриш тавсия қилинади. Худди шу маромда тўхтамай ҳаракат қилган инсон ярим соат ичида 2 километр масофани босиб ўтади. Бунга бир ҳафта давом эттириш мақсадга мувофиқдир. Иккинчи ҳафтадан бошлаб эса кунига 45-50 дақиқадан, юриш меъёрини дақиқасига 90 қадамгача ошириш лозим. Машғулотларни босқичма-босқич кучайтириб бориш натижасида, яъни ўзининг ҳафтага бориб, дақиқасига 100 қадамгача тезлашиш, 60 дақиқалик пиёда юриш давомидида 4,5 километр масофани орта қолдириш имконига эга бўлиш мумкин.

Машғулотларни ҳар кунги ёки ҳафтасига 4-5 маротаба олиб бориш лозим. Икки ойдан сўнг ўзингизни анча яхши ҳис қила бошлайсиз. Организмингизда турли касалликларга муносиб кураша олувчи иммунитет шаклланади, кексайиш жараёни анча секинлашади.

Шаҳина ЖҲРАЕВА тайёрлади.

Спортнинг сирли

Инсон саломатлигини таъминлашда спортдан фойдаланганда юшурлик ва ҳаёт ташвишлари билан бўлиб, ҳар доим ҳам жисмоний машғулотларга эътибор қаратавермаймиз. Ваҳоланки, соғлом ҳаёт кечирини истаган киши спорт билан шуғулланиши қанда қилмаслиги зарур. Ана шуларни инобатга олган мутахассислар ҳаммабоп бўлган оммавий спорт турлари рўйхатини тузиб чиқдилар. Шунингдек, уларнинг инсон организм учун фойдали жиҳатлари ҳақида қизиқарли маълумотлар келтириб ўтилди. Куйида ана шу хусусда сўз юритамиз.



Шижоат



Матонат



Ирода

Маъқулини ўзингиз танланг

Баскетбол. Ушбу спорт турига хос ҳаракатлар, яъни югуриш, юриш, сакраш қабиладан тананинг жисмоний ривожланишида муҳим ўрин тутди. Чунки баскетболчи тинимсиз ҳаракатда бўлади. Бунга иштирокчи

билан шуғулланишда ёшнинг аҳамияти муҳим эмас. Мутахассисларнинг таъкидлашича, теннис билан машғул бўлиш инсоннинг нафас олиш тизими фаолиятини яхшилади. Унга хос жисмоний зўриқишлар натижасида

жасида танада ксилород айланиши маромига келади. Натижада инсоннинг иш умумдорлиги анча юксалади. Сузиш. Мазкур спорт турининг ҳам фойдали хусусиятлари кўп. Яъни мунтазам сузиш билан шуғулланган одамнинг умуртқа поғонаси, елка суяклари ва юрак фаолиятида нуқсонлар кузатишмайди. Яна бир эътиборли жиҳати, сувга тушган инсон ўзини тетик тутди ва у ўша дақиқаларда ҳар қандай асабий зўриқишлардан холи бўлади. Мутахассисларнинг фикрича, кимда умуртқа поғонаси билан боғлиқ муаммолар бўлса, сузиш орқали ундан халос бўлади.

Ф. ИБРАГИМОВ тайёрлади.

Билиб қўйган яхши

Ушбу спорт турига хос ҳаракатлар, яъни югуриш, юриш, сакраш қабиладан тананинг жисмоний ривожланишида муҳим ўрин тутди. Чунки баскетболчи тинимсиз ҳаракатда бўлади. Бунга иштирокчи билан шуғулланишда ёшнинг аҳамияти муҳим эмас. Мутахассисларнинг таъкидлашича, теннис билан машғул бўлиш инсоннинг нафас олиш тизими фаолиятини яхшилади. Унга хос жисмоний зўриқишлар натижасида жасида танада ксилород айланиши маромига келади. Натижада инсоннинг иш умумдорлиги анча юксалади. Сузиш. Мазкур спорт турининг ҳам фойдали хусусиятлари кўп. Яъни мунтазам сузиш билан шуғулланган одамнинг умуртқа поғонаси, елка суяклари ва юрак фаолиятида нуқсонлар кузатишмайди. Яна бир эътиборли жиҳати, сувга тушган инсон ўзини тетик тутди ва у ўша дақиқаларда ҳар қандай асабий зўриқишлардан холи бўлади. Мутахассисларнинг фикрича, кимда умуртқа поғонаси билан боғлиқ муаммолар бўлса, сузиш орқали ундан халос бўлади.

Блиц-партияда ҳал бўлди

Испаниянинг Бильбао шаҳри мезбонлик қилган "Қатта Дубулга" таърифига кирувчи шахмат турнирида норвегиялик таъкид шохматчи Магнус Карлсен чемпионлиқни қўлга киритди. У финал партияларининг 10-раундида арманистонлик Левон Аронян билан учрашиб, дурангга эришди. Бунга қараганчи, голибликка ана бир асосий даъвогар италиялик Фабиано Каруан ҳам ушбу турда мезбон Франсиско Вальехо билан мурося қўчасини танлади. Натижада уларнинг оққоллари тенг — 17 тадан бўлиб қолди. Шу мақсадда чемпионни аниқлаш учун иккита блиц-бахс ўтказилди. Уларнинг ҳар иккисиди ҳам норвег гроссмейстери галаба қозонди ва олтин медалга сазовор бўлди. Левон Аронян эса учинчи поғонадан жой олди.

Келажак режалари

"Формула-1" мусобақаларида ўз номига эга бўлган "Ferrari" жамоаси 2014 йилги мавсумга мўлжалланган режаларини маълум қилди. Эътиборлиси, Италия вакиллари ҳозир "Red Bull" азоси бўлган икки қарра жаҳон чемпиони Себастьян Феттел билан шартнома имзолашни мўлжаллашмоқда. Аввалгига жамоа Фернандо Алонсо ҳамда Фелипе Масса билан тузилган келишув муддатини кейинги йил охиригача узайтирганди.

Бизнинг интервьу

Футбол бўйича Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоасининг Осиё қитъаси чемпиони, деган юксак шарафга эришгани спортнинг тарихида жуда катта воқеа бўлди. Ушбу муваффақиятдан нафақат миллионлар ўйини муҳлислари, балки юртимизнинг ҳар бир фуқароси чексиз фахр ва ифтихор ҳиссини туйгани, шубҳасиз. Президентимиз яқинда Хоразм вилоятига қилган сафари чоғида футболчиларимизнинг ана шу галабасини алоҳида эътироф этаркан, табиийки, бунга эришиш осон эмаслигини, барча зарур шарт-шароитларни яратган, спортни кенг оммавий ҳаракатга айлантирган тақдирдагина шундай умукан ютуқни қўлга киритиш мумкинлигини таъкидлади.

Дилшод НУРАЛИЕВ: «Янги галабаларни қўлга киритиш умиддамиз»

Маҳоратимизни оширдик. Яратиб берилган ушбу имкониятлар муваффақиятларимизнинг муҳим омилли бўлди. — Шогирдларингиз чемпионати бир оз бўш бошлагандек туюлганди... Ҳатто, гуруҳдан чиқишимизга шубҳа билан қараганлар ҳам бўлди. Аммо ҳаммаси хайрли аяқунланди. — Футбол — театр, бироқ унинг "сценарий"си икки вақтида, яъни мусобақа жараёнида ёзилади. Галаба, мағлубият сингари омад ҳам ўйиннинг бир қисми. Шунини ишонч билан айтманки, биз чемпионликка муносабат билан буни қўлга киритдик. Осиё чемпионати бир ёки икки учрашувдан иборат эмас. Бир ўйинда омади келган жамоа турнир голиби бўлади, деган қоида ҳам йўқ. Шуниси аниқки, ҳар бир учрашувда ўз кучига таянган, имкониятлардан унумли фойдаланган ва камроқ хато қилган жамоа голиб чиқади. Дастлабки бахслардаги ҳаракатларимизни бўш ёки суяб деб айтмаган бўлардим. Чунки илк ўйинларимизда бизга боғлиқ бўлмаган сабаб, яъни "Ар-Рахан" майдонидидаги чимнинг ҳолати, намлик ўз таъсирини кўрсатди. Хусусан, хитойликларга қарши кечган учрашувда рақиб дарвозасини камида олти марта ишғол қилиш учун 99 фоизлик имкониятга эга бўлдик. Аммо иккиламчи сабаблар, мутасаддиларнинг қитъа чемпионатидаги етарлича тайёргарлик кўрмгани биз каби айрим жамоалардан қимматли очколарни тортиб олди. — 16 ёшли ўсмирнинг руҳий оламини бошқариш осон эмас. Бироқ мусобақа давомида бирор маротаба ҳам шогирдларингизнинг майдонда тартибсизликка йўл қўйганини кўрмадик. Уларни бир жамоа атрофида жислаштиришда қандай усуллардан фойдаланасиз? — Болаларга яқин дўстдек муносабатда бўламан. Улар ҳам менга ҳурмат билан қарашди. Назаримда мана шу ҳамжиҳатлик, самимийлик бир-биримизни тушунишда қўл келмаётган. Сизга битта мисолни айтиб берсам. Ўз голлари, ҳаракатлари билан кўпчиликда умид ўқунларини ёққан буюрхорлик Ақобир Тўраевни олиб келишда, жуда маъхуз кўринганди. Кейин билсам, унинг бир оз кўнгли ярим

Федерер яна биринчи

Профессионал теннисчилар ассоциацияси (АТР) кучли теннисчиларнинг янги рейтингини эълон қилди. Унга кўра, 300 ҳафтадан буюн мазкур рўйхатда етакчилик қилиб келаётган швейцариялик теннисчи Рожер Федерер 12165 очко билан ўз ўрнини сақлаб қолди. Рейтингнинг кейинги ўринларини сербиялик теннисчи Новак Жоквич (11970 очко) ҳамда Буюк британиялик Энди Мюррей (7690 очко) эгаллади. Аёллар теннис ассоциацияси (WTA) рейтингиди эса беларуслик спортчи Викториа Азаренкога ҳозирча тенг келадигани топилмапти.

Халқ сўзи Народное слово. Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ. 2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1054. 61 384 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда. ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 233-52-55; Котибият 233-10-28; Эълолар 232-11-15. Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Манабчи котиб — Ю. Ҳамидов. Манабчи муҳаррир — С. Раҳмонов. Манабчи — З. Худойшукуров. Манабчи — С. Исомов. «Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 22.10 Топширилди — 23.10 1 2 3 4 5